# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: halksuzi@uzpak.uz ● 2002 йил 14 декабрь, №272 (3100) Шанба




## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 декабрь куни Оқсаройда АҚШ давлат котибининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Алан Ларсонни қабул қилди.

Ўзбекистон ва АҚШ муносабатлари жадал ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик нафақат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, балки, деярли барча соҳаларни қамраб олган. Айниқса, Президент Ислом Каримовнинг 2002 йил март ойида Америка Қўшма Штатларига ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлар икки томонлама алоқаларни янада юқори босқичга кўтарди.

Бу, аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмининг юксак суръатларда ўсаётганида ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, 2001 йилда бу кўрсаткич 290 миллион долларга тенг бўлган эди. Жорий йилнинг ўтган ўн ойида эса ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 323 миллион доллардан ошди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари АҚШ сиёсий доираларида Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилаётган катта эътиборни юксак қадрлашини таъкидлади.

А. Ларсон қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирар экан, АҚШ Марказий Осиёда ўз салоҳияти ва имкониятлари жиҳатдан етакчи ўринда турувчи Ўзбекистон билан кенг ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлигини қайд этди.

АҚШ мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Республикамизнинг минтақадаги хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги, шунингдек, халқаро террорчилик, диний экстремизм ва наркотик моддаларнинг ғайриқонуний оқимига қарши курашдаги қатъиятини юксак қадрлайди.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида ўзаро манфаатли алоқаларни, жумладан, иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**СУРАТДА:** ***қабул пайти.***
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

## ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

# АХБОРОТ

13 декабрь куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Сессиянинг иккинчи куни янги таҳрирдаги "Банкротлик тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Уни депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиев ҳавола этди.

Ушбу қонун лойиҳаси бўйича Сариосиё тумани ҳокими П.Мадиев, "Хоразм шакар" очиқ турдаги акционерлик жамияти директори Қ.Хўжамуродов, "Наманганмевасабзавот" вилоят ҳудудий бирлашмаси раиси Н.Қурбонбоев, "Комплекс тематик экспедиция" очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси Т.Бобожонов, "Бухоросувқурилиш" акционерлик жамияти раисининг биринчи ўринбосари Э.Ҳайдаров ўз фикрларини билдирди. Парламент янги таҳрирдаги "Банкротлик тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Янги таҳрирдаги "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Қ.Жумабеков тақдим этди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида "Қизилқумнодирметаллолтин" давлат концерни раиси Н.Кучерский, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Т.Долимов, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ турдаги акционерлик жамияти бош директори Г.Прохоренко иштирок этди.

Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов конларни саноат йўли билан ўзлаштиришда қўшимча нодир металларни мумкин қадар тўлиқ қазиб олиш зарурлигини таъкидлади. Нодир металлардан халқимизнинг бугунги ва келгуси авлодлари фаровонлиги учун самарали фойдаланиш мақсадида уларни ишлаб чиқишнинг узоқ муддатли дастури зарур. Президент, шунингдек, нодир металларни саноат йўли билан ўзлаштириш учун мамлакатимизда ўз базамизни ташкил этиш, ушбу соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун энг қулай шароитлар яратиш, табиий бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланиш лозимлигини таъкидлади.

Олий Мажлис янги таҳрирдаги "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов "Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси бўйича ахборот берди. Ушбу масала юзасидан Пахтачи тумани ҳокими Э.Умматов, Термиз шаҳридаги 2-ўрта мактаб директори Р.Каттаева, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази Хоразм вилояти бўлими раҳбари Г.Ибодуллаева ўз фикрини билдирди.

Мазкур масала муҳокамаси чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини даромадлар устидан қўшимча назорат ўрнатувчи ҳужжат сифатида баҳоламаслик зарурлигини алоҳида қайд этди. Барча тараққий этган мамлакатларда фуқароларнинг даромадларини декларация қилиш тартиби мавжуд. Президент бу масаланинг ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, лойиҳани кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун қайта ишлаш давомида аҳолининг барча қатламлари фикрини ҳамда халқимизнинг менталитетини ҳисобга олиш лозимлигини таъкидлади.

Парламент қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш.Умарова, Ургут тумани ҳокими Х.Нуруллаев, Муҳиддин Қориёқубов номидаги академик ва халқ-бадиий жамоалар дирекцияси директори Ў.Саиджоновнинг чиқишларидан сўнг Олий Мажлис янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссиялари номидан парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафаева "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини сессия муҳокамасига тақдим этди. Депутатлар мазкур ҳужжатни қабул қилди.

Парламент иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўнинчи сессияси Котибияти раҳбари Т.Қўзиевнинг фуқароларнинг сессия давомида келиб тушган мурожаатлари ҳақидаги ахборотини тинглади.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати ўртасидаги шахсларни Халқаро жиноий судга топширишга доир битимни, Ўзбекистон Республикаси ва Литва Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегараси тўғрисидаги шартномани, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги Ўзбекистон-Қозоғистон давлат чегарасининг айрим участкалари тўғрисидаги шартномани ратификация қилди.

Сессия Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари ва Олий Мажлис Кенгашининг қарорларини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари А.Ишметовнинг тақдимотига кўра депутатлар Ф.Абдуазимовни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлади.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини якунлади.

## «Маданият карвон саройи» ишга тушди

Пойтахтимизда Ўзбекистон Бадиий академияси "Маданият карвон саройи"нинг тантанали очилиш маросими бўлди. Унда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов, маданият ишлари вазири Б.Қурбонов, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т.Қўзиев, Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулотда ва мухтор элчиси А.Кавато ва бошқалар мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўзбек-япон дўстлик алоқалари янгича, янада юқори босқичга кўтарилганини таъкидлади.

Юртимизнинг Япония билан ўзаро маданий алоқалари илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Дўстлик ришталарининг мустаҳкамланишида Буюк Ипак йўлининг ўзига хос ўрни бор. Шарқ ва Ғарбни боғловчи ушбу карвон йўли кўплаб мамлакатлар қатори Кунчиқар юртнинг тарихида муҳим аҳамият касб этади. Унинг чорраҳасида эса айнан бизнинг заминимиз, жумладан, кўҳна Шош, Самарқанд каби шаҳарлар жойлашган. Янги маданият марказининг айнан пойтахтимизда ташкил этилиши ҳам Тошкентнинг нафақат миллатимиз, балки кўплаб ўлкалар тарихида тутган ўзига хос мавқеига ишорадир.

Мазкур маданият марказининг ташкил этилишида Токио нафис санъат ва мусиқа университети президенти Икуо Хираяманинг улкан ҳиссаси бор. Ўзбек-япон илмий маркази саналган ушбу тадқиқот марказида тарихий, археологик, тасвирий санъат ва бошқа кўплаб йўналишларда изланишлар олиб бориш, турли анжуманлар, тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган. Ҳозирданоқ бу ерда мамлакатимизнинг жанубий ҳудуди — Кампиртепа шаҳристонидан топилган турли тарихий ашёларни ўрганиш, таъмирлашдек эзгу ишлар бошлаб юборилган.

— Ўзбекистоннинг қадимий тарихига дунёда қизиқиш жуда катта, — дейди И.Хираяма. — Бу қадим ўлканинг Далварзинтепа, Фаёзтепа, Қоратепа каби шаҳристонларидан топилган ашёлар ўзининг нодирлиги ва бебаҳолиги билан ниҳоятда қадрлидир. Шу боис улар нафақат Ўзбекистон, балки бутун инсониятнинг маънавий дурдонаси саналади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Мелибоев иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Ҳаёт дарси

Олий Мажлиснинг ҳар бир сессияси, аввало, инсон манфаати, мамлакатимиз тараққиёти учун пиллапоя бўлиб хизмат қилади. Ҳозир ким билан суҳбатлашманг, сессия ҳақида гапиради. Қабул қилинган қонунларнинг барчаси долзарб. Юртбошимизнинг чиқишлари эса келажагимизни кўз олдимизда намоён этди.

Оила аъзоларимиз даврасида сессия ҳақидаги телевизион кўрсатувларни кўрдик. Ўзимизча муҳокама этдик. Кексайиб қолган онам, турмуш ўртоғим, аскарликка тайёрланаётган уч ўғлим учун сессия яна бир ҳаёт дарсига айланди, десам янглишмайман.

Касбим чорвадор. Биламанки, давлатимизнинг барча жабҳаларда олиб бораётган сиёсати бу борада қабул қилинаётган қонун, қарорлар фақат фуқаролар бахт-саодати учун хизмат қилади. Энди сессия ҳужжатлари ҳаётга қанчалик тез татбиқ этилса, унинг улуғворлиги янада ортади.

**Абдушукур АБДУРОЗИҚОВ,**
**Навбаҳор туманидаги «Истиқлол» ширкат хўжалиги аъзоси.**

Сессия залидаги ўйлар

*Мамлакат иқтисодиётининг ҳаёт-мамотини белгилаб берадиган муҳим масала — бюджет ҳақида сўз кетганда, баъзи юртдошларимиз "Ҳа, энди бюджет билан шуғулланадиганлар бор", деб ўзларини четга олгандай бўлишади. Аслида шу тўғрими?*



# БЮДЖЕТ

### иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда ҳал қилувчи омил

Биз ҳеч кимдан кам бўлмаган жамият қуришга аҳд қилганмиз. Демак, барча жабҳалар бўйича фуқароларимизнинг онгу тафаккури, ҳаётий мушоҳадаси илғор мамлакатлар аҳолисидан кам бўлмаслиги керак. Модомики, адолатли жамиятнинг бирламчи шарти демократик тамойилларнинг кенг кўлам касб этиши экан, одамларнинг сиёсий фаоллиги, аввало, иқтисод заминида яққол намоён бўлади. Иқтисодсиз сиёсат — бу бамисоли илдизи йўқ дарахт.

Шу маънода, Олий Мажлисимиз томонидан қонун даражасида қабул қилинадиган Давлат бюджетининг шаклланиш жараёнида қанча кенг қатламдаги аҳоли иштирок этса, унга ўз ҳиссасини қўшса, шунча мақсадга мувофиқдир. Тўғри, кўплаб тармоқларнинг мутасаддилари мазкур масалага лоқайд эмаслар, лекин уларнинг фаоллиги аксарият ҳолларда бюджет ажратмаларидан ўз соҳаларига салмоқлироқ бўлакни ундиришда намоён бўлади.

Бюджетни шакллантиришда биринчи галда харажатлар қисмини эмас, балки даромадлар бандини белгилаш муҳимдир. Халқимизда «Даромадга қараб буромад» деган нақл бор. Буромад — чиқим, сарф- харажат. Демак, киримга қараб чиқим қилиш иқтисодиётнинг олтин қоидаси ҳисобланади. Гап шундаки, бюджет тақсимотида кўпроқ ажратма сўраш учун тафаккурни ишга солиш талаб қилинмайди. Ўз Ватани тараққиётини, истиқболини кўзлайдиган одам, аввало, юрт хазинасини бойитувчи манбаларни кўпайтириш ҳақида ўйлаши керак.

Даромад ва харажат — булар ўзаро бир-бирини тақозо этадиган тушунчалар бўлиб, уни тўлиқ ҳисобга олмаслик, нохуш оқибатлар келтириб чиқаради. Шундай экан, бюджетнинг даромад қисмини бойитиш учун қандай манбалар мавжуд? Аввало, амалга оширилаётган ислоҳотларимизда солиқ тизимини такомиллаштириш, унинг фиксал (хазинани тўлдириш), қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифасининг тўла даражада бажарилишини таъминлаш муҳимдир. Бу фикрни солиқни қанча кўп йиғсак, бюджетнинг даромад қисми шунча кўпаяди, деган маънода тушуниш ўта ғўллик бўлур эди. Президентимиз жуда кўп чиқишларида солиқларни муттасил такомиллаштириб бориш зарурлиги ҳақида таъкидлайдилар. Афсуски, юртдошларимиз орасида солиқни гардандаги юк сифатида тушунадиганлар ҳам йўқ эмас. Агар биз солиқларнинг Ватан қудратини юксалтиришдаги аҳамиятини юракдан англасак, бу улкан ишга муносиб улуш қўшиш учун интилган бўлур эдик.

Юртбошимиз истиқлолнинг дастлабки йилларида яратган асари — "Ўзбекистон: иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида" китобида "Солиқлар хазинани тўлдириш сиёсатининг асосий унсури бўлиб, давлат бюджетининг даромад қисми энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлаши лозим", деб уқтирган эдилар. Ўйлаб кўрайлик, корхоналар ўртасида молия интизоми бузилса, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари

(Давоми 2-бетда).

## ШАРТНОМА ИНТИЗОМИ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судида "Шартнома интизоми — иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили" мавзуида амалий анжуман бўлиб ўтди.*

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини таъминлаш ва халқ фаровонлигини оширишнинг муҳим воситаси бўлган шартнома интизомига амал қилиш бугунги кунда энг долзарб вазифалардан биридир. Зеро, шартномавий муносабатлар хўжалик юритувчи субъектларнинг мулк шакли ва иқтисодиётда тутган ўрнидан қатъи назар, уларнинг эркинлиги ҳамда ҳуқуқий тенглигини таъминлайди.

Айтиш жоизки, бу борада мамлакатимизда кейинги йилларда салмоқли ишлар амалга оширилиб, мукаммал шартнома қонунчилиги яратилди. Бугунги кунда барча хўжалик юритувчи субъектларда шартномавий муносабатлар тўлиқ йўлга қўйилди. Шу боис пудратчи ёки фермернинг иқтисодий фаолиятига энди четдан ҳеч ким сабабсиз аралаша олмайди. Улар билан фақат шартнома тузиш йўли билангина муносабатга киришиш мумкин. Бунинг самараси ўлароқ, оддий меҳнат кишиларининг манфаатдорлиги ошди.

(Давоми 2-бетда).

## Парламент халқимиз учун ишлаяпти

*Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ишини зўр қизиқиш билан кузатдик. Айниқса, сессия ишига институт ва коллежлар, мактаб ва лицейларда қизиқиш катта бўлди. Мухбиримиз айрим талабалар билан суҳбатда бўлди.*

Муносабат

**Исломжон ЗОКИРОВ — Фарғона Давлат университети магистри. Президент стипендиати.**

— Мамлакатимиз Парламентининг навбатдаги сессиясини диққат билан кузатдим. Сессияда қабул қилинаётган қонунлардан, энг аввало, биз — ёшлар кўпроқ манфаатдормиз. Чунки эрта-индин қизғин ҳаёт жабҳасига шўнғиб кетамиз. Бугун қабул қилинаётган қонунлар эртага биз учун, ёш мутахассислар, сиёсатчилар учун хизмат қилади.

Яқинда муҳтарам Президентимиз стипендияси соҳиби бўлдим. Бу юксак шараф мени янада чуқурроқ билим олишга, дунё илм-фанининг энг сўнгги ютуқлари билан кенгроқ танишишга даъват этади. Ривожланган мамлакатлар тарихи билан танишиб, икки палатали Парламент тизими бизда ҳам жорий этилишини орзу қилар эдим. Сессияда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонунлар қабул қилинди.

Юртбошимиз сессияда бу қонунларнинг аҳамияти, ҳаётимизда тутадиган ўрни ҳақида жуда яхши тушунча бердилар. Дилимда умид чироғи ёнди. Балки институтни тугатиб, катта ҳаётга қадам қўйган кезларимда сенатор бўлиш учун курашарман. Зеро, куни кеча қабул қилинган қонунлар ҳар бир фуқарога шундай имконият яратиб бераяпти.

**Наташа ГИГИАШВИЛИ — Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти Фарғона филиали талабаси.**

— Кўпчилик бу гапларимни ҳавойи сўзлар деб ҳисоблаши мумкин. Кўнглим буюрганини айтаман. Мамлакатимиз Олий Мажлисининг ҳар бир сессияси мамлакатимизда фуқаролик жамияти сари қўйилаётган қадамлар ҳақида тасаввуримизни кенгайтирибгина қолмай, шу юртга, шу муқаддас заминга бўлган муҳаббатимизни янада ошириб юборади.

Куни кеча сессияда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши айни муддао бўлди. Давр талабларини ҳисобга олган бу қонун ишга тушгач, баъзи бюрократ тўраларнинг пайтавасига қурт тушади. Фуқаролар конституциявий ҳуқуқлари, кафолатларини яхши тушуниб олишади. Бу қонунни тенгдошларим орасида кенг тарғиб-ташвиқ қилишни дилимга тугиб қўйдим.

**«Халқ сўзи» мухбири Набижон СОБИР суҳбатлашди.**

"Халқ сўзи" назоратида

## ТЕКШИРИШ ДАВОМ ЭТАДИ

*Ёдингизда бўлса, газетамизнинг шу йил 7 ноябрь сонида "Челаклар "мавсумга тахт" сарлавҳали мақола эълон қилинганди. У газетхонлардан келган шикоят хатлари асосида тайёрланган бўлиб, Тошкент шаҳридаги бир қатор турар жойларни, айниқса, кўпқаватли эски уйларни таъмирлаш, кузги-қишки мавсумга тайёрлаш ўлда-жўлда эканлиги танқид қилинганди. Бундан ташқари, лифтларнинг носозлиги, юқори қаватларга сув чиқмаслиги оқибатида рўй бераётган машмашалар тилга олинганди. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, кўчаларни тартибга келтириш борасидаги камчилик-нуқсонлар ҳам рўй-рост очиб ташланганди. Ана шу муносабат билан яқинда Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари М.МИРЗАЕВ номидан расмий жавоб олдик. Унда таъкидланишича, шаҳар прокуратураси газета чиқиши бўйича текшириш ўтказган. Натижада қуйидагилар аниқланган:*

Шайхонтоҳур тумани "Жангтоҳ-коммуналчи" уй-жой мулкдорлари ширкати бугунга қадар мақолада қайд этилган барча камчиликларни бартараф этган. "Марказ — 15" даҳасидаги 2-В/Г уйлар ертўлалари сувдан тозаланиб, мурватлар созланган. Лифтлар ва томлар таъмирланган. Иситиш тизимлари тўлиқ ишга туширилган.




Бектемир туманидаги "Мажнунтол" маҳалласида 1990 йилдан буён одамларга якка тартибда уй-жой қуришлари учун 465 та ер бўлаги ажратилган. Улардан 279 тасида юз, 112 тасида эллик-саксон, 58 тасида ўн-қирқ

(Давоми 2-бетда).

«Ўзбекистон ва ўзбекистонликлар» танловига

*Мамлакатимизда кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш тизими йилдан-йилга такомиллашиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида ташкил этилган ва тез ривожланиб бораётган тузилмалар орасида «Бизнес-фонд» ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳозирги кунда ўзининг мустаҳкам мавқеи ва ўрнини эгаллаб турибди.*



Иккинчи мақола

# ХОРАЗМЛИК тадбиркорлар оёққа қалқди

### Кичкина деманг бизни

Хусусан, «Бизнес-фонд»нинг Хоразм вилоят бошқармаси фаолиятининг асосий йўналиши хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларига бошланғич сармояни шакллантириш учун тижорат банклари орқали маблағлар ажратиш, асбоб-ускуналарни лизингга бериш, ахборот-консалтинг марказлари орқали кредит олиш учун ҳужжатлар тайёрлашда ахборот ва бошқа хизматларни кўрсатишга қаратилган.

Бошқарма шу йилнинг июнь ойидан бошлаб янги ташкил қилинган Биржа маркази биносида фаолият кўрсатмоқда. «Бизнес-фонд»нинг бу бинода фаолият юритиши, айниқса, тадбиркорлар учун анча қулай бўлди. Негаки, унда айни вақтда Давлат мулки қўмитаси ва Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг вилоят бўлимлари, «Мадад» суғурта агентлиги, Товар-хомашё биржаси ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу эса тадбиркорларга бир жойнинг ўзида барча хизматлар кўрсатилишини таъминламоқда.



Айни кунда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 сентябрдаги 366-сонли қарори асосида янгидан ташкил қилинган, давлат рўйхатидан ўтганига 6 ойдан кўп бўлмаган деҳқон ва фермер хўжаликларига, микрофирмаларга ва хусусий корхоналарга бошланғич сармояни шакллантириш учун йиллик 5 фоиз устамаси билан имтиёзли кредит маблағлари ажратилмоқда. Фақатгина ўтган йилнинг 4-чорагида бу қарор бўйича 41,0 млн. сўм ўрнига 70 миллион сўмлик, 2002 йилнинг 9 ойида 159 миллион сўм ўрнига 170,3 миллион сўм маблағ ажратилди ва бу борада белгиланган режа ортиғи билан бажарилди.

Жорий йилнинг 9 ойида вилоятда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун тижорат банкларига жами 338,1 млн сўм маблағ берилди. Маблағнинг асосий қисми бошланғич сармояни шакллантириш учун ажратилди.

«Бизнес-фонд»нинг вилоят бошқармаси бошлиғи Илмжон Ўтаров билан бўлган суҳбатларимизда қайд этилган бу рақамларнинг замирида қанчалаб меҳнат, орзу-истак, ташвиш ва хавотир, қувонч ва шодликлар ётибди. Илмжон оға билан Хива сафарида деярли бир кун бўлдик ва унинг тадбиркорлар ҳақидаги гурунгларини мириқиб тингладик. Вилоятда «Бизнес-фонд» маблағлари ҳисобига кредит олиб, самарали ишлаётган тадбиркорлар бисёр экан. Янгиариқдаги «Динамо» ширкати, Гурландаги «Собирхўжа», Ҳазораспдаги «Карвак-инвест», «Мерос» фермер хўжаликлари, Хонқадаги «Умид» хусусий корхонаси, Урганчдаги «Олтин бошоқ» хусусий фирмаси, «Чайка» хусусий корхонасининг фаолияти, айниқса, эътиборга лойиқ. Улар бугунги кунда нафақат деҳқончилик ва чорвачилик билан, балки кенг тармоқли ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланишмоқда ва яхши натижаларга эришмоқдалар. Бошланғич сармояни шакллантириш учун кредит олган тадбиркорлар эса биринчи йил ҳеч қандай фоиз тўлови тўламасдан олинган даромад эвазига корхона фаолиятини янада кенгайтирмоқда.

Илмжон оғанинг таъкидлашича, вилоятда Президентимизнинг «Лизинг фаолиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан ҳам бирталай тадбирлар амалга оширилган. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 19 та тадбиркорга 33 миллион сўмлик ҳар хил турдаги асбоб-ускуналар етказиб берилган. Энг муҳими, 3-4 йил ичида қиймати тўлиқ тўлангач, бу асбоб-ускуналар тадбиркорнинг ўз мулкига айланади.

Хуллас, хоразмлик «Бизнес-фонд»чилар, гарчанд кичкина жамоа бўлсада, катта ишларни амалга оширмоқдалар. «Тадбиркорларимиз тутган жойини қаттиқ ушлайдилар, — дейди И.Ўтаров, — аслида ҳам шундай бўлиши керак. Қамишни бўш ушласанг, қўлни кесади. Ўз касбингга, ҳунарингга меҳр-муҳаббатингни мустаҳкам тутсанг, омаднинг ўзи келаверади».

У рост гапни айтди.

### Ишбилармонмисиз ёки санъаткор?

Хивадаги Отажонтўра мадрасаси узоқ йиллар қаровсиз ётди. Ҳатто уни омборхона ҳам қилишди. Ёғоч ўймакор Ҳайитмат Боғибеков (юқоридаги суратда) ўзининг «Уста Сафо» кичик корхонасини очиб, бу ерга келганида мадраса анча хароб аҳволда эди. Уни тозалади, таъмирлади, ободонлаштирди. Хуллас, Сафо Боғибеков шажарасининг еттинчи авлоди мадрасада иш бошлади.

Маълумки, Хоразм — уста ҳунармандлар, ўз ишини санъат даражасида адо этадиган ёғоч ўймакорлар юрти. Сафо Боғибеков ҳам ана шундай қўли гул усталардан эди. Отахон 1937 йилда Францияда бўлиб, халқаро кўргазмада ҳам қатнашган. Навоий театридаги «Хива зали» ҳам Сафо оғанинг қўли билан зийнатланган.

Ҳайитмат Боғибеков — Сафо оғанинг ўғли, шогирди. Икки ўғлини ёнига олиб, мадрасада ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланади. Бугун Ҳайитмат оғанинг-да довруғи жаҳон кезиб юрибди. Латвиянинг Юрмаласидаги ресторани ва меҳмонхонасида, Нукуснинг Бердақ номли театрида, Москвадаги халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасида, Туркманистондаги қатор маданий мажмуаларда ҳам Ҳайитмат оға қўлларининг излари бор. У Тошкентдаги Хотира майдонида 90 кун меҳнат қилди. Ундаги 22 та устунга нақш берди — санъат асарига айлантирди.

Биз мадрасада ҳам, Ҳайитмат оғанинг хонадонида ҳам бўлдик, ўзи ва шогирдлари ясаган, аниқроғи, яратган «асар»ларни кўриб, санъатига тасаннолар айтдик, мароқли суҳбатларидан баҳраманд бўлдик. Тўғри, ёнимдагилар менга уларни тадбиркор, деб таништиришди. Эҳтимол, бугунги бозор иқтисодиёти тили билан айтганда, шундайдир, аммо мен уларни нима учундир тадбиркордан кўра санъаткор, деб атагим келди. Зеро, менинг бу иқроримни ҳазил аралаш «Бунча бойликни нима қиласиз?» деб унга берган саволимга Ҳайитмат оғанинг жавоби ҳам тасдиқлаб тургандай:

— Отам ҳам, мен ҳам бойлик йиғмадик. Бойлик ҳеч кимга вафо қилмаган. Отам айтгучи эди: «Бу пешинг бу пешингга етмай юрсин» деб. Биз пул тўпламадик, шогирд тўпладик. Бугун қайси шаҳарга бормайлик, олдимиздан икки-учта шогирд чиқади. Яратган асарларим ва шогирдларим менинг тиллога топилмайдиган бойликларимдир. Тирноғи бўлмаса, йўлбарс ҳам ожиз, дейдилар. Бу дунёда ўринбосарларимсиз мен ҳам нотавондирман.

Мен ушбу мазмундаги гапларни тумандаги «Болта-шўра» фермер хўжалиги иш юритувчиси Омонбой Майлиевдан ҳам, хусусий клиника раҳбари Рустам Нуруллаевдан ҳам эшитдим. Булар ҳам тадбиркор инсонлар. Жумладан, «Болта-шўра» фермер хўжалиги олти йил муқаддам ташкил этилган, 123 гектар ер майдони бор. Балиқчилик билан шуғулланади. 10 нафар одам меҳнат қилади. Ўтган йили 52 тонна балиқ етиштиришган, йилни 12 миллион сўм соф фойда билан якунлашган. Балиқчиларнинг бу йилги режалари ҳам улкан. Ҳозир 20 гектарлик ҳавзада балиқ кўпайтирилмоқда.

Хусусий клиника раҳбари Рустам Нуруллаевнинг таъкидлашича, жамоа жойлашган имора хўжаликнинг эски, кейинчалик омборга айлантирилган идораси бўлган. У тўла таъмирдан чиқарилиб, шифохонага мослаштирилган. Ёнида туғуруқхона биноси янгидан қурилган. Ҳозир даволаш бўлимида 10 та, туғуруқхонада 10 та ўрин мавжуд. Лаборатория ишлаб турибди. Компьютер ва УЗИ аппарати беморлар хизматида. Клиниканинг довруғи қўшни туманларга, ҳатто Қорақалпоғистон Республикасининг чегарадош туманларига ҳам етиб борган шекилли, биз бу ерда бўлган куни ўша ёқлардан келган беморларни ҳам учратдик.

Хива тиббиёт билим юрти директорига хусусий клиника қуриш ортиқча даҳмаза эмасмикин? Ахир унинг озмунча заҳматлари борми? Ёхуд бойлик тўплаш васвасасими бу?

Тўғри, биз бу гапларни Рустам акага айтмадик. Унинг кўзларидаги қатъиятдан билдикки, фидойилик маблағ билан ўлчанмас экан. Қолаверса, хусусий клиника очиб, у ҳали бирор-бир даромад ҳам қилган эмас ва бундай нияти ҳам йўқ. Ниятики, элга, юртдошларига хизмат қилиш, оғирини енгил, узоғини яқин этиш!

### «Арқончи»нинг арконлари

Тадбиркорликнинг тури ҳам кўп экан. Биргина Ичон қалъанинг ичига қадам боссанг, тадбиркорлар шаҳарчасига кириб қолдимми, деб ўйлайсан. Қалъа ичидаги «Арқончи» меҳмонхонаси ҳам ўз-ўзидан барпо этилган эмас.

— Аввалига квартира бюроси сифатида патент билан иш бошладик, — дейди меҳмонхона директори Собиржон Ҳасанов (пастдаги суратда ўз хусусий меҳмонхоналари олдида). — 1994 йилдан хусусий фирма очилди. Айниқса, Хива шаҳрининг 2500 йиллик тўйини нишонлаш ҳақидаги қарор бизга қўлқанот бўлди. Ҳокимнинг қарори билан 1107 квадрат метр жой ажратилди. «Ўзтаъмирлойиҳа» илмий-тадқиқот институти меҳмонхона лойиҳасини чизиб берди. Икки йилга 750 минг сўм миқдорида кредит олдик. Меҳмонхона 30 ўринли бўлди, комфорти яхшиланди. Икки йилда кредитдан ҳам қутилдик.

Собир ака бир гектарлик эски универмаг жойини ҳам сотиб олди ва бу ерда 40 ўринли меҳмонхона тиклади. Бу масканда ҳам барча шарт-шароитлар муҳайё — фаранг келадими, япон ташриф буюрадими, марҳамат, уялиб қоладиган жойи йўқ.

«Арқончи»га шу йилнинг 9 ойи мобайнида 1220 нафар турист ташриф буюрди. Шу даврда 19 миллион 428 минг 834 сўм ишлаб топилди. 4 миллион 683 минг 737 сўм нақд пул банкка топширилди. 5 миллион 761 минг 495 сўм соф фойдага эришилди. Меҳмонхона компьютери интернетга уланган, ўз сайтлари мавжуд. Уларнинг эндиги режалари — ўзларининг автобусига эга бўлиш, хорижлик туристлар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш, хуллас, дунёга чиқиш ва хизматни ҳам жаҳон андозаси даражасига кўтаришдан иборат.

«Арқончи»га келаётган меҳмонлар бу мўъжаз жамоа учун улуғдир, аркондир. Узоқ эллардан бу юртга томоша учун, тавоф учун келаётганларнинг аксари «Арқончи»нинг нафақат иқтисодий, балки маънавий арконлари ҳамдир.



### Ер таниганни эл танийди

Хоразмлик ишбилармонлар «Тадбиркорбанк»ни яхши кўришади. У ўз номи билан тадбиркорларга мадад, суянч бўлмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида банк ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш учун 166 миллион сўм кредит ажратди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, қурилиш, маиший хизмат ва бошқа тармоқларга қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга берилган кредитлар ўз самарасини бера бошлади. Банк ходимлари тадбиркорларга хизмат кўрсатишнинг қулай имкониятларини излаб топишмоқда. Биз Урганчда бўлганимизда, «Тадбиркорбанк»нинг амалиёт бўлими қошида 2 та мини банк очилаётган экан. Мини банклар бевосита шаҳар бозори ичида жойлашган бўлиб, бозор ва ярмаркалардаги тадбиркорларга хизмат кўрсатади.

— Ишбилармонларимиз энди ўз маблағларини банкка топшириш ёки кредит олиш учун узоққа бориб юришмайди, — дейди мини банк раҳбари Мухторбек Мадримов. — Халқона айтганда, бир қўли билан топширади, иккинчи қўли билан қайтариб олади. Муддатли кредитларнинг барча ҳужжатлари ҳам шу ерда тайёрланади. Илгари тадбиркорлар банкирнинг ортидан югурарди, эндиликда биз уларнинг этагидан тутаяпмиз. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Бозор қонунияти шундай!

Ҳа, бу қонуниятни бугун кўпчилик тушуниб етди. Гурлан тумани «Деҳқонобод» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган «Ҳайитмат ота» фермер хўжалиги раҳбари Гулмат оға Ҳайитматов ҳам бугун тадбиркорликнинг тўла ҳадисини олган. 90 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган Гулмат оға бу йил режадан ташқари дон топширгач, омборида ҳам 50 тонна буғдой қолди. Энг қизиғи, бугунги кунда «Урганчёғ» ҳам, вилоят нефть маҳсулотлари корхонаси ҳам, туман агрокимё бирлашмаси ҳам Гулмат оғадан қарздор. Сабаби — уларнинг барчасида фермернинг миллионлаб пуллари ётибди. Баъзи бир тадбиркорлар бу маҳсулотларни олишга маблағ тополмай қийналаётган бир пайтда «Ҳайитбой ота» фермер хўжалигининг бу қадар «корчалон»лиги сабаби нимада? Отаси аччиқ олма еса, боласининг тиши қамашади, дейдилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Гулмат Ҳайитметовни бу муваффақиятларидан нафақат тиши қамашган, ҳатто кўзлари шокосасидан чиқиб кетгудек бўлиб тикилаётганларнинг, қолаверса, оғзидан сўлаги оқиб қараётганларнинг саноғи бормикин?

Гурлан тумани ҳокимлиги хусусийлаштириш бўлими бошлиғи Комилжон Нурметовнинг таъкидлашича, туманда 1315 та тадбиркорлик субъекти мавжуд. 545 та фермер хўжалиги 5391 гектар майдонда деҳқончилик қилади. Гулмат оға ана шулардан биттаси, холос. Агар уларнинг барчаси бизнинг қаҳрамонимиздай ишласа, ўйласа, фикр юритса ва мулоҳаза қилса, туман иқтисодиёти нақадар юксалган бўлур эди.

— Ер таниганни эл танийди, — дейди Амударё бўйларидаги тўқай ва ботқоқ майдонлардан дур тўплаётган Гулмат оға. — Меҳнатдан қочмасанг, ишнинг кўзини билсанг, у сендан қўрқади. Салгина беғамлик ва танбаллик сени чоҳга тортаверади. Ҳеч қачон танбаллик билан топишманг, у сизни хароб қилади. Айтишади-ку: «Ўрдак билан топишган хўрознинг катагини сув босади» деб. Хўжалигимда ишлаётган 20-30 нафар одамнинг барчаси икки қўлимнинг панжаларидир. Уларнинг ҳаммаси бирдай ишлайди ва мен учун ҳам улар бирдай керак!

Фермернинг бу ўхшатиши менга ёқди. Дарров ён дафтарчамга қайд қилиб қўйдим. Ва кейинчалик ўйлаб кўрсам, вилоят тадбиркорлари ҳам Хоразм иқтисодиётининг мустаҳкам панжалари экан. Улар ердан, сувдан, дов-дарахту тошу тупроқдан жавоҳир ундиришмоқда, ризқ-насиба яратаётир, эл дастурхонини дунё нознеъматлари билан бойитмоқда.

Сафардан қайтиб, ўз кўрганларимни дўстларимга ҳикоя қилиб бердим. Шунда улардан бири луқма ташлади: «Сен доимо Хоразм ва хоразмликлар ҳақида ширингуфторлик қиласан, нима, уларнинг ёмони йўқми?!» Шунда мен дўстимга Асқад Мухторнинг бир шеърини ўқиб бердим. Унда дарахтидан ерга тушган бир олма ҳақида гап боради. Олмаки, қип-қизил, чиройли, бежирим. Унга соатлаб термулиш, лаззат ва илҳом олиш мумкин. Аммо шу пайт бир қарға келиб, уни чўқий бошлайди. У олмани емайди, унинг ичидан қурт излайди.

— Афсуски, мен қарға эмасман, бўлолмайман ҳам, — дедим дўстимга.

* * *

*Хуллас денг, жуда улли таассуротларга бой бўлган Хоразм сафари ҳам «қариди». Фақат кўнгилда бир армон қолди. Бизни, ҳар доим такрорланганидек, вилоят ҳокими ҳузурига қўйишмади. Вақтлари йўқ, дейишди. Ваҳоланки, уч кун мобайнида ҳар бир дақиқани-да қизғаниб, уни бой факт ва далиллар тўплашга сарфлаган оддий бир журналистнинг ҳам вақти ошиб-тошиб ётгани йўқ эди. Фақат ва фақат... Ўзбекистон Қаҳрамонининг бунёдкор қўлларини сиқиб, табриклаб қўйиш ҳамда хоразмлик тадбиркорларнинг истиқбол режалари хусусида ёшуллининг икки оғиз фикрини билиш истагигина бор эди кўнгилда.*

**Эсиргап БОЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БЮДЖЕТ

## иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда ҳал қилувчи омил

(Давоми. Боши 1-бетда).

чигаллашиб бораверса, қандай қилиб бюджетдаги мутаносибликка эришиш мумкин?! Бу савол ҳаммамизни ўйлантирса, вазиятдан чиқиш учун чоралар топилса, айни муддао бўлур эди.

Агар биз буюк давлат қуриш учун астойдил интилмоқчи бўлсак, баландпарвоз ва чиройли ибораларга маҳлиё бўлиш ўрнига ислоҳотлар йўлидаги муаммоларимизни англаб олишимиз муҳимдир. Албатта, мустақил ҳаётимизнинг ўтган ўн бир йиллик даври Ўзбекистон бошлаган ислоҳотлар, аввало, бозор иқтисодиётига ўтиш, демократик жамият қуришдаги йўлимиз қанчалик тўғри эканлигини ва бу йўлдан қайтмаслигимиз зарурлигини кўрсатди. Эндиги ишларимиз шу йўлнинг давоми бўлиб, у ислоҳотларни янги поғонага кўтариши керак.

Парламентнинг IX сессияси 2003 йил Давлат бюджетини қабул қилиш асносида якунланаётган йил натижаларини кўриб чиқди. Мазкур масала бўйича сўзга чиққан нотиқларнинг айтишича, 2002 йил Давлат бюджети даромадлари 1 триллион 842,2 миллиард сўм бўлиши кутилмоқда. Агар харажат 1 триллион 927,2 миллиард сўм бўлиши кўзда тутилаётганини ҳисобга олсак, бюджет тақчиллиги 85 миллиард сўм эканлигини англаш қийин эмас. Ушбу кўрсаткич ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 1,2 фоизни ташкил этади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, даромадлар таркибида бевосита солиқлар бўйича белгиланган режалар ошириб бажарилиб, тушумлар 497,2 миллиард сўм ёки жами даромадларнинг 27 фоизи миқдорида бўлиши кутилмоқда. Бу кўрсаткич солиқ юкини камайтириш бўйича олиб борилаётган тадбирларнинг яхши натижа бераётганлигидан далолатдир.

Бюджет ижросида ижтимоий соҳага алоҳида эътибор бериш Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг бош йўлидир. Қуйидаги рақамларнинг мағзини чақайлик: 2002 йилда ижтимоий соҳани молиялаштириш харажатлари 732,6 миллиард сўм, ижтимоий ҳимоя тадбирлари учун эса 142,4 миллиард сўм миқдорида бўлиши кутилмоқда. Бу харажатлар жами бюджет сарфиётининг 45,4 фоизини ташкил этади.

Албатта, ижтимоий соҳа деганимиз жуда кенг қамровни ўз ичига олади. Бу жабҳада, айтайлик, маориф учун кўзда тутилган бандлардан баъзиларини тилга олсак, бюджет харажатлари қанчалик пухта шаклланганини тасаввур этиш мумкин. Булар — умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга мансуб мактаб ўқувчиларини қишки кийим-бош ва пойабзал, 1-синф ўқувчиларини ўқув қуроллари билан таъминлаш, мактабларни таъмирлаш, мактабларга ўқув мебели ва компьютер техникаси сотиб олиш кабилар унча тўлиқ бўлмаган рўйхатдир. Хуллас, бюджет иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда ҳал қилувчи омилдир.

Хўш, бюджет баракасини таъминлаш учун қайси йўналишлар устувор аҳамият касб этади? Буни ҳар бир фуқаро билиб қўйса, айни муддао бўлади.

Мамлакат макроиқтисодиётининг асосий кўрсаткичларини юксалтиришда валюта заҳирасини бойитиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги барчага аён. Биз ер ости ва ер усти бойликларимизни, муҳим стратегик маҳсулотларни сотиш орқали бу борада муайян имкониятларга эгамиз. Лекин дунё бозорида пахта ва олтиннинг нархи беқарор бўлиши туфайли кейинги йилларда неча юз миллион долларни ололмаганлигимиз ҳам ҳақиқат-ку?! Дунёнинг бошқа минтақаларидаги иқтисодий бўҳронлар шабадаси бизнинг ташқи бозоримизга таъсир қилмади, дея оламизми?!

Айниқса, пахтадан оладиган даромадимиз тинимсиз тебраниб турибди. Дунё бозоридаги нарх-навонинг беқарорлигидан ташқари пахта ҳосили табиий шароитга боғлиқ эканлиги ҳаммага маълум. Шулардан келиб чиқиб, Президентимиз фақат қишлоқ хўжалигига суяниб қолмаслигимиз зарурлигини, қишлоқда янги иш ўринлари яратиш муҳимлигини таъкидламоқдалар.

Юртимиз иқтисодий қудратини юксалтиришнинг муҳим омилларидан яна бири — бу хорижий инвестицияларни жалб этишдир. Бу жабҳада ҳам изланиб, интилиб ишлаш тақозо этилади. Айрим қўшни мамлакатларда катта-катта корхоналарни чет эллик корчалонларга сотиш амалиёти қўлланилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Лекин фақат бугунги кун билан яшамаётган Ўзбекистон хориж сармоясини сарфлашда қўшма корхоналар сонини ва сифатини кўпайтириш йўлидан боряпти. Сифат деганда, нимани тушуниш мумкин? Гап шундаки, мамлакат раҳбариятининг оқилона иқтисодий сиёсати туфайли юртимизга ҳам сармоя, ҳам технология келтириляпти. Айни пайтда қўшма корхона қайси бир чет мамлакатдан бутловчи қисмларни олиб келиб, бу ерда йиғишдан иборат бўлмаслиги керак. Шу маънода, мамлакатимизда амалга оширилаётган локализация сиёсати, яъни тайёр маҳсулот олишда ишлатиладиган хомашёни ўзимизда ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон четдан келадиган сармояни кўпайтирмай туриб, тез орада тараққий этган мамлакатлар қаторига ўта олмайди. Бу қонуниятни мактаб ўқувчиси ҳам яхши билиши керак. Нафақат билиш, қўйилган мақсадни амалга ошириш учун интилиш керак. Чет эллик сармоядорларга қулай шарт-шароит яратиш беҳиҳоя муҳимдир. Бунинг асосий шарти мамлакатда тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлигидир. Яна бир омил — ўша давлатнинг эртанги кунга ишончи қай даражада эканлигидир. Айни пайтда сармоядор учун ҳуқуқий кафолат ҳам қулай иқлимни таъмин этади. Бизда бундай шароит бор, фақат у ҳақда хорижлик ишбилармонларга кўпроқ ахборот беришимиз зарур.

Яна бир муаммо — Ўзбекистон айрим хорижий маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун бозорга айланиб қолмаслиги керак. Айтайлик, ҳозирги пайтда Хитойда ишлаб чиқарилаётган сирти ялтироқ, ичи қалтироқ молларни ўша мамлакатнинг ўзида сотиш тақиқланган. Шундай экан, бизнинг халқимиз нега ўтмас матоҳни олиши керак? Масаланинг яна бир ижтимоий жиҳати борки, бу ҳақда Юртбошимиз бир неча йил муқаддам огоҳлантирган эди. Агар биз четнинг ялтироқ молларига қаттиқ валюта сарфлаш йўлидан борсак, улар қўлига ўзимизни ипсиз боғлаб берамиз. Яъни, ўша мамлакатда одамлар иш билан таъминланади, бизнинг пахта ва олтинимиз ҳисобига тўланган валютамизни ҳазм қилиб бораверади. Биз эса машаққатли меҳнат эвазига етиштирган хомашёни тайёр маҳсулотга нисбатан бир неча баравар арзонга топширамиз. Бу ўзимизга зарар эканлигини англаб етайлик!

Афсус, бу борадаги давлат сиёсатини лаҳзада манфаат кўриб келган чайқовчилар тушуниши қийин кечяпти. Ахир, Ўзбекистонда арзон ва сифатли пайабзаллар ишлаб чиқаришга эришяпмиз-ку?! Нега ўзимиздаги бой хомашёдан сифатли маҳсулот тайёрлаш ҳақида ҳамма бирдай жон куйдирмайди?

Иқтисодиётимизнинг устувор йўналишлари этиб, экспорт салоҳиятини ошириш, импорт ўрнини босадиган маҳсулот тури ва салмоғини кўпайтириш белгиланган. Бу йўл бюджетнинг даромад қисмига барака киритади. Шундай манбаларни кўпайтириш ҳақида тинимсиз изланиш ўзини Ўзбекистон фарзанди ҳисоблаган ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

**Ш.ЖАББОРОВ.**

# ШАРТНОМА ИНТИЗОМИ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Лекин амалиётда шартнома тузиш, мажбуриятларни ўз вақтида бажариш борасида ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Хўжалик судлари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 36 мингдан зиёд низо ҳал этилиб, даъвогарлар фойдасига 356 миллиард сўм ундирилди. Мазкур ишларнинг 22 мингдан ортиғи шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармасликдан келиб чиққан низолардир. Кўриниб турибдики, шартнома интизомига амал қилиш бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди. Бу эса ўз навбатида хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожига салбий таъсир этмасдан қолмайди.

Хўжалик судлари томонидан шартнома интизомига амал қилмаётган хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларига ўз вақтида тегишли чоралар кўрилаётир. Тўлов интизомини қўпол равишда бузганлиги учун айбдорлардан 53,7 миллион сўм жарима, корхоналарга етказилган 41,3 миллион сўмлик моддий зарарнинг суд қарорлари билан ундирилгани, айрим мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилгани фикримизнинг далилидир.

Келгуси йил учун буюртмалар портфели шакллантирилаётган бир пайтда ўтказилган мазкур анжуманда шартномавий муносабатлар борасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўлларини биргаликда белгилаш ва шу йўл билан шартнома маданиятини юксалтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ТЕКШИРИШ ДАВОМ ЭТАДИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

фоиз ҳажмида қурилиш амалга оширилган, 16 тасида бунёдкорлик ишлари ҳали бошланмаган.

Аҳолини электр қуввати билан таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар капитал қурилиш бош бошқармаси "Тошшаҳарнур" бирлашмаси билан ҳамкорликда лойиҳада белгиланган 8 та электр нимстанциядан 3 тасини қуриб битказган. Улар ҳозир кўнгилдагидек ишлаб турибди. Талаб кўпайгани сабабли лойиҳалаштирилган яна битта нимстанция фойдаланишга топширилиши натижасида электр қуввати етказиб бериш яхшиланган. Туман ҳокимлиги қолган нимстанциялар қурилишини 2003 йилги бунёдкорлик дастурига киритиш хусусида шаҳар ҳокимлигига ёзма мурожаат қилган.

Маҳалладаги йўлни барпо этишга шаҳар капитал қурилиш бош бошқармаси буюртмачи ҳисобланади. Ҳозирча бу борадаги юмушлар асосан тумандаги корхона-ташкилотлар кўмагида йигирма фоизга удаланган.

Туман ҳокимлиги жамоат транспорти қатнови масаласида "Тошшаҳарйўловчитранс" корхонасига мурожаат этган. Бироқ маҳалладаги йўллар битмагани туфайли шаҳар ИИББ ЙҲХ бошқармаси қатновга рухсат бермаган. Шаҳар капитал қурилиш бош бошқармаси томонидан маблағ ажратилиб, йўл қурилиши ниҳоясига етказилгач, жамоат транспорти ишга тушади. Мазкур йўналиш бўйича маҳалла аҳлига хизмат кўрсатиш учун Тошкент вилоятида жойлашган 5-автокорхона ҳисобидан иккита автобус ажратилган. Бундан ташқари, маҳалладан "Қўйлиқ" деҳқон бозорига 9-йўналишли "Дамас"лар қатнаб турибди.

Чилонзор туманидаги "Олмазор — 1" уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли 6, 7, 8/1, 8/2, 9, 9-"А" уйларда коммунал хизмат кўрсатишда айрим нуқсонлар мавжуд. Чунончи, 6, 7, 8, 8/1, 9-"А", 15-уйлар 22-23 йил муқаддам фойдаланишга топширилган бўлса-да, фақат 8-уй тўлиқ, 8/1, 6- ва 15-уйлар эса қисман таъмирланган. Бултур 7, 8/1-уйларнинг муҳандислик коммуникациялари "Коммунал таъмирлаш" бошқармаси томонидан созланган. Лекин ўзгартирилган иситиш лойиҳа тизими қайта тикланмаган. Оқибатда у сифатли ишламайдиган ҳолга келиб қолган. Ширкатга қарашли баъзи уйларнинг юқори қаватларига ёз ойларида, босим камайганлиги боис, совуқ сув чиқмаган. Эндиликда бу камчилик бартараф этилган.

Чилонзор тумани прокуратураси мақолада кўрсатилган ҳолатлар юзасидан текшириш ишларини давом эттирмоқда. Натижаси ҳақида таҳририятга қўшимча ахборот берилади.

# МАҲАЛЛА — ОСОЙИШТАЛИК ҚЎРҒОНИ

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Аҳмаджон УСМОНОВ билан ЎзА мухбири суҳбати*

— Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Конституциямизда инсон ҳуқуқлари, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат ўзининг кенг ифодасини топган, — деди А.Усманов. — У инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш учун мустаҳкам пойдевор яратди. Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда нодавлат ташкилотлари, хусусан, маҳалланинг аҳамияти беқиёс.

Шу боис келаётган йилнинг Президентимиз томонидан "Обод маҳалла йили" деб эълон қилинишида ҳикмат кўп. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз".

**— Мамлакатимизда жиноятчиликнинг олдини олишда профилактика хизматининг фаолиятини такомиллаштириш, маҳаллаларда фаолият юритаётган профилактика инспекторларининг ўзини ўзи бошқариш тизими вакиллари билан ҳамкорлигини кучайтириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Ички ишлар вазирлиги тизимида ўтказилаётган ислоҳотларда профилактика хизматига катта эътибор берилмоқда. Вазирликда Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси ташкил этилиб, жойларда унинг бошқарма ва бўлимлари фаол иш бошлади. Маҳаллаларда фаолият юритаётган профилактика инспекторлари айни шу йўналишда хизмат қилади. Бугунги кунда улар бевосита истиқомат жойларида содир этилиши мумкин бўлган турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларимизнинг хавфсизлигини таъминлаш, содир этилган жиноятларни "иссиғида" очишда маҳалла раиси, посбонлар, педагог-тарбиячилар ва кенг жамоатчилик ёрдамига суянган ҳолда иш олиб бормоқда.

Бунинг учун, аввало, маҳаллаларда милиция таянч пунктлари ташкил этилди. Мамлакатимиз бўйича уларнинг сони уч минг тўрт юзтага етиши режалаштирилган. Айни пайтда уларнинг 3 мингдан зиёди, яъни 96 фоизи ҳукумат қарори талаблари асосида фаолият кўрсатмоқда. Мақсадимиз, аввало, ички ишлар идораларининг қуйи тизими бўлган милиция таянч пунктларида фаолият кўрсатаётган ходимларни халқимизга янада яқинлаштириш, улар билан доимо бирга бўлиш, ёрдам кўрсатиш ва дардига малҳам бўлишдир. Қолаверса, бундан буён аҳолимиз туман, вилоят марказларига қатнаб овора бўлмасдан, ўзларининг барча муаммоларига жавобни милиция таянч пунктларида олиши мумкин. Чунки милиция таянч пунктида ички ишлар идораларининг бошқа тармоқ хизматлари — жиноят қидирув, тергов, паспорт, йўл ҳаракати хавфсизлиги, пост-патруль, ёнғин хавфсизлиги хизматлари ва бошқа соҳа ходимлари фаолият кўрсатишади.

Милиция таянч пунктларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад милиция таянч пунктларида, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва ёшлар билан тарбиявий ишларни олиб борадиган ўзига хос маскан бўлиб қолишига эришишдир. Илгари бирон маҳалла ёки қишлоққа борсангиз, маҳаллақўм алоҳида бир иморатда, участка нозири бошқа жойда бўларди. Эндиликда ташкил этилган милиция таянч пункти биносида профилактика инспектори, маҳалла раиси, маҳалла посбони ва педагог-тарбиячи, яраштириш комиссияси ёнма-ён фаолият кўрсатади.

Бу эса, ўз навбатида, уларнинг ўзаро ҳамкорликда, баҳамжиҳат иш олиб бориши учун қулайлик туғдиради. Қолаверса, турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда жамоатчилик, маҳалла посбонлари, тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш идораларини жалб қилиш, улар билан ҳамкорликни кучайтириш ва бу борадаги тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича тегишли чоралар кўриш имконини беради.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 16 майда қабул қилинган "Ижтимоий кўникма марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори фаолиятимизда жуда қўл келмоқда. Мазкур қарорнинг асл мақсади, моҳияти вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ҳар қандай ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш каби хайрли ишлардан иборатдир. Зотан, содир этилган жиноятни очишдан кўра унинг олдини олиш афзал.

Айни чоғда милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Хусусан, республикамиз бўйича маҳаллаларда, қишлоқлар, шаҳарчалар ва овуллардаги фуқаролар йиғинларининг штат таркибига ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий-спорт ишларини ташкил этувчи педагог-тарбиячи лавозими киритилди. Ҳар бир маҳалла гузарида савдо шохобчалари, кутубхона ва маърифат хоналари, турли спорт ва маданий-ижодий тўгараклар, устахоналар ташкил этилмоқда.

**— Кадрларни профилактика инспектори лавозимига тайинлашда қандай жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратилмоқда?**

— Профилактика инспектори илгариги участка нозиридан кескин фарқ қилади. Бугунги кунда уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Маҳаллада профилактика инспектори етакчи роль тутмоғи лозим. У маҳаллада намунали жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдан ташқари, яна кўплаб вазифаларни бажаради. Жумладан, маҳалла аҳлининг ҳуқуқий билим даражасини оширишда ҳам фаол иштирок этади. Бунинг учун унинг ўзи ҳуқуқий жиҳатдан етук мутахассис бўлиши керак.

Бу ишда биз Юртбошимизнинг ички ишлар идораларининг энг қуйи бўғини бўлган милиция таянч пунктларида ҳар томонлама етук, халқ билан ишлашга билими, тажрибаси, ақл-идроки етадиган, жонкуяр профилактика инспекторлари бўлишига алоҳида аҳамият қаратиш ҳақидаги кўрсатмаларига қатъий амал қилмоқдамиз. Шу боис жиноятчиликнинг олдини олишда профилактика хизматининг фаолиятини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Профилактика инспектори лавозимига навқирон, олий маълумотли ҳуқуқшунос ва педагог, жанговар касбий маҳоратни эгаллаган, ҳар томонлама билим савиясига эга ходимлар олинмоқда. Уларни саралашда ўқиш, хизмат жойларидан берилган тавсифномалар муҳим ўрин тутади. Қолаверса, профилактика инспекторларининг билими, жанговар тайёргарлиги даражаси эътиборимиздан четда қолмайди. Шу мақсадда, улар учун ҳудудий ўқув курслари, тест синовлари ўтказилмоқда. Президентимизнинг Фармонлари, қабул қилинаётган янги Қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликнинг буйруқларини ўрганиш борасида ҳар чоракда барча профилактика инспекторлари иштирокида жойларда семинар-кенгашлар ўтказиб борилади.

**— Конституция байрами арафасида "Миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол маҳалла оқсоқоли" кўрик-танлови якунланди. Унда нафақат маҳалла оқсоқоллари, балки профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари ҳам иштирок этди...**

— Таъкидланганидек, ҳозир милиция таянч пунктларини маҳаллалардан айри ҳолда тасаввур қилиш қийин. Зеро, маҳаллалардаги аҳолининг тинчтотувлигини ва хавфсизлигини таъминлашда уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги катта роль ўйнайди.

Шу боис бу йил танлов республика "Маҳалла" жамғармаси ва бошқа бир қанча ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди. Ушбу уч босқичли кўрик-танлов давомида юртимиздаги барча маҳаллалар, милиция таянч пунктлари, профилактика инспекторлари, маҳалла посбонларининг иши таҳлил этилди.

Лекин ички ишлар идоралари ўртасида "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танлови ҳозир ҳам давом этмоқда, жойларда ғолиблар аниқланмоқда. Шундан сўнг, 2002 йил якуни бўйича республикамиздаги энг яхши милиция таянч пункти, энг яхши профилактика инспектори, энг яхши посбон ва энг яхши педагог-тарбиячилар аниқланади ва уларга совринлар топширилади. •

Профилактика хизматига Президентимиз, ҳукуматимиз ва Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Биз эса халқимиз тинчлиги, осойишталигини сақлашда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда аҳолига, жамоатчиликка суянган ҳолда ҳалол, фидокорона меҳнат қилишимиз лозим.

**Беҳзод НОРБОЕВ суҳбатлашди.**



Қарши туманидаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалигида асосан пахта етиштирилса-да, чорва молларини кўпайтириш борасида ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хўжаликдаги «Саховат» ижара сут-товар қорамолчилик фермаси жамоаси бу ишга бош-қош бўлиб, яхши натижаларга эришмоқда. 60 нафар ишчи меҳнат қилаётган ушбу фермада «Қизил чўл» зотли қорамоллар парваришланяпти. Ҳозирги кунда уларнинг сони 670 бошга етди.

Ўтган йили хўжалик ишчилари 7 миллион сўм соф фойда олган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткични улар 8 миллион сўмга етказишмоқчи.

**СУРАТДА:** ***соғувчилар (чапдан) Нусратой Равшанова ва Наргиза Умарова.***

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.**

Фанимиз фидойилари

# Заҳматкаш олим

*"Ўзини илмга бағишлайдиган киши одамларга меҳрибон, ҳақгўй, фисқу фужур, гина, хиёнат, макр ва ҳийладан холи бўлиши керак", деб ёзган эди ўз даврида Абу Наср Форобий.*

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти болалар гематологияси бўлими илмий раҳбари, профессор Абдуқодир Тўраев, назаримда, ана шундай инсон, ана шундай фидойи олим.*

Дастлаб болалар шифокори сифатида институт йўлланмаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида иш бошлаган ёш Абдуқодир у ерда оддий педиатрликдан бош врач ўринбосари лавозимигача бўлган меҳнат фаолиятини ўтади. Илмга бўлган қизиқиш, ишлаш жараёнида айрим хасталикларни даволашдаги муаммоли масалаларни илмий ўрганиш фикри уни тинч қўймади.

Одатда кўпчилик олимлар олий ўқув юртини тугатибоқ аспирантурага қабул қилиниб, илмий иш бошласа, Абдуқодир олий ўқув юртида олган билимларини аввал обдон тажрибада синади. Бу унга педиатриянинг қайси нозик нуқтасига кўпроқ эътибор бериш кераклигини англатди.

Тошкент тиббиёт институтининг педиатрия факультетига клиник ординатор сифатида қабул қилингач, ўзини илмга бағишлади. Шифокорлик даврида орттирган тажрибаси бу борада унга жуда асқотди. Кўп йиллик изланиши, машаққатли меҳнатининг илк мевасини А.Тўраев кичик илмий ходим сифатида фаолият кўрсата бошлаган Гематология ва қон қуйиш институтида илк бор татиб кўриш насиб этди. Меъда ва ичакларда овқат сингмаслиги, ҳазм бўлмаслиги оқибатида содир бўладиган айрим заҳарли касалликларни самарали даволашга бағишланган илмий иши учун унга номзодлик унвони берилди. Бу илмга бахшида умрнинг аввали, бошланиши эди.

Олим ташаббуси билан 1967 йили Ўзбекистонда илк бор болалар гематологияси бўлими очилди. Унинг бошчилигида жойларда илмий текшириш экспедициялари ташкил қилина бошланди.

– Чимбойда дастлаб иш бошлаган пайтларимда кўп бемор болаларда учрайдиган, аслида оналардан болаларга ўтувчи камқонлик бир қатор хасталикларнинг келиб чиқишига сабаб бўлишининг гувоҳи бўлгандим, — дея эслайди А.Тўраев. – Кейинчалик Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон ҳудудларида шу масалани атрофлича ўрганиш асосий вазифа қилиб қўйилди. Биласизми, бу ўшанда "Соғлом она ва соғлом бола" дастури бўйича қўйилган илк қадам эди. Бу экспедицияларда қатнашиб, навбатдаги илмий ишимнинг мавзуини белгиладим. Оналар ва болалар орасида камқонликнинг учраши, унинг олдини олиш ва даволаш бўйича иш олиб бора бошладим.

Ташкил этилган экспедицияларда олим бевосита иштирок этди. Республикамизнинг деярли барча вилоятларидаги 30 минг нафардан ортиқ ёш болалар ва оналар текширувдан ўтказилди. Хасталик аниқланган беморларга турли даво чоралари тавсия этилди. Вилоят шифокорлари учун қон касалликлари бўйича семинарлар ўтказилди ҳамда улар "Камқонликни даволаш" услубий қўлланмалари билан таъминланди. Шу тариқа А.Тўраев болалар гематологи сифатида асосий консультант вазифасига тайинланди. Бу орада докторлик диссертациясини ҳимоя қилган олим энди шу мавзуда илмий иш бошлаган шогирдларига раҳбарлик қила бошлади. У оналар ва болаларда камқонликни даволаш, унинг олдини олиш бўйича ўндан ортиқ услубий қўлланмалар яратди. Жуда кўп илмий мақолалари билан матбуотда чиқишлар қилди, ҳатто хорижда ҳам танилди.

– Профессор Абдуқодир Тўраев, бир сўз билан айтганда, институтимиз фахри, тенгқурларининг ҳаммаслаги, ёшларнинг энг яқин маслаҳатгўйи, том маънодаги устози, – дейди Гематология ва қон қуйиш институти директори, тиббиёт фанлари номзоди К.Бакирхонов. – У киши шогирдларига, ёш шифокорларга ўз билими, тажрибасини ўргатибгина қолмай, оғир қон касалликлари билан оғриган беморлар дардини аритишда ҳам уларга малҳам бўлади. Ўзининг сермушоҳадалиги, чуқур билими, хушмуомаласи билан одамлар кўнглига йўл топа олади. У ўзини илмга бағишлаган инсон. Бундай кишилар ҳамиша меҳрли, ҳақгўй, бўладилар. Улар одамлар дарди билан, уларга яхшилик қилиш "дарди" билан яшайдилар...

Ҳа, таниқли гематолог, тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдуқодир Тўраев шундай олим. Зеро, у буюк Форобий таърифлаган инсонлардан бири.

**Умида ФАЙЗИЕВА, "Халқ сўзи" мухбири.**

COSCOM -Surprise

COSCOM GSM

Ажойиб совға қилишни истайсизми?

Ўз яқинларингизга «Coscom-Surprise» совғасини тақдим этинг!

Фақат Сиз учун!

GSM COSCOM CARD

● Ушбу хизмат нархи компания тармоғига уланиш нархига тенг.
● SIM-картани сотиб олиш билан бирга мобил телефон рақамини танлаш имконияти мавжуд.
● SIM-карта — «совға» эгаси компания тармоғига уланишни (шартномани тузиш ва SIM-картани активлаштириш) исталган қулай вақтда расмийлаштиришни амалга ошириши мумкин.

Сизларни кириб келаётган Янги 2003 билан табриклаймиз!

Тел.: 180 00 00, 181 00 00.

